



НАМАНГАН ШАРОИТИДА НИДЕРЛАНДИЯ ЛОЛАЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА ЎҒИТЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мисирова Сурайё Абдумуталовна

қ.х.ф.д. профессор, Наманган мухандислик-технология институти

Аннотация. Наманган вилояти иқлим шароитида 2018-2021 йиллар давомида, лолани 16 турдаги Нидерландиядан интродукция қилинган навларни ўғитлаш агротехникаси ва мослашувчанлиги бўйича илмий тадқиқот иши олиб борилди.

Аннотация. В климатических условиях Наманганской области в течение 2018-2021 годов проводились научные исследования по орошению, удобрению и агротехнике 16 видов тюльпанов, интродуцированных из Нидерландов.


Annotation. In the climatic conditions of the Namangan region, during the years 2018-2021, scientific research was conducted on irrigation, fertilization and agrotechnics of 16 types of tulips introduced from the Netherlands.

Кириш. Халқаро гулчилик Ассоциацияси ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда мавжуд гуллар ассортиментида 290 та тур мавжуд бўлиб, шундан 50 таси асосий турлар сифатида ўстирилмоқда. Асосий турлар орасида лола ва орхидея гуллари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Нидерландия, Германия, Италия, Испания, Кения каби давлатларда уларнинг янги навларини яратиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида лоланинг 10, орхидеянинг эса 30 мингдан ортиқ навлари яратилган ва улардан дунё бўйича 22,5 минг жумладан Нидерландияда 11,0 минг гектардан ортиқ майдонда лола плантацияларини барпо этишда кенг кўламли фойдаланилмоқда. Ушбу турларни етиштирувчи давлатлар томонидан эса уларнинг янги навларини яратиш бўйича кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда дунё миқёсида яратилган навларни иқлимлаштириш ва ўстириш агротехникасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Нидерландиядан келтирилган 16 та навдаги лола пиёзларини Ўзбекистон шароитига мослаштириш ва етиштиришда Нидерландиялик лола бўйича мутахассис профессор Ян Лигхортнинг методикасидан фойдаланиб тадқиқотлар олиб борилди. Лола навларининг ўстириш агротехникасини ишлаб чиқишда уларни экиш муддатлари, пиёзларни экиш чуқурлиги, ўғит миқдори ва экиш схемасини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилди. Бунда лола навларининг пиёзлари куз (сентябр), қиш (декабр) ва баҳор (март) мавсумларида 5, 10, 15 см чуқурликда 60, 70 ҳамда 90 смли жўякларда экилди. Тадқиқотни бажаришдан мақсад Нидерландиянинг 16 та навларини Ўзбекистон иқлим шароитига мослашган навларини танлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Бунда лоланинг пиёз хосилдорлиги юқори бўлган ва гул хосилдорлиги юқори бўлган навлар аниқланди. [1]

Таҳлил ва натижалар.

1-схема



Лола пиёзларининг экиш схемалари ҳам уларнинг униб чиқишига таъсир кўрсатиб, 70x10 см схемада экилганда уларнинг униб чиқиши нидерландиядан келтирилган навларда 76%, маҳаллий навларда эса 70% ни ташкил этиб, бошқа экиш схемаларига нисбатан Нидерландия навларида 10-43% ёки 1,51-2,3 марта, маҳаллий навларда эса 7-40% ёки 1,75-10 марта юқори кўрсаткични ташкил этди. Бу эса лола пиёзларининг 1 пог метрдаги сонига ҳам ўз таъсирини кўрсаткиди. Жумладан, 70x10 см схемада экилганда 1 пог метрдаги лола гуллари сони Нидерландиядан келтирилган навларда 23 тани, маҳаллий навларда эса 21 тани ташкил этгани аниқланди. [2],[1-схема].

Лола пиёзларини экиш муддатлари уларнинг ўсиб ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Жумладан сентябрда экилган пиёзларнинг ўсиш кўрсаткичлари бошқа муддатларга нисбатан Нидерландиядан келтирилган навларда 1,54-2,24 марта, маҳаллий навларда эса 1,29-1,83 марта юқори бўлди. Навлар бўйича солиштириладиган бўлса сентябрда экилган Нидерландиядан келтирилган *Piet Paulusma yellow* навининг ўсиш кўрсаткичи $53,9 \pm 0,026$ см ни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич шу вақтда экилган маҳаллий навлардан 1,22-1,5 марта, Нидерландиядан келтирилган навлардан эса 1,03-1,5 марта юқори натижани қайд этди. [3]

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки. Ушбу олиб борилган тадқиқотда Нидерландиядан келтирилган 16 та навадаги лолаларнинг Ўзбекистон иқлим шароитида етиштириш технологиялари ишлаб чиқилди ва интрадукция қилинган 16 та навадан 7 та лола навлари Ўзбекистон иқлимига адаптация бўлганлиги тадқиқотлар натижасида аниқланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Misirova, S. A. "Systematic types of fungi of allocated and determined types from decorative flowers in conditions region Tashkent." *Agricultural sciences* 6.11 (2015): 1387.



2. Misirova, S. A. "Determining of the measure disease control ornamental crops during the growing season in the conditions Tashkent region." *Global Journal of Bio-Sciences and Biotechnology* 5.1 (2016): 119-124.
3. Abdumutalovna, Misirova Surayyo, and Sarimsaqova Nilufar Sobirjonovna. "Bioecology of Fungi-Pathogens of Flower Crops and the System to Combat Them." *Agricultural sciences* 7.08 (2016): 539.
4. MISIROVA, SA, and NN ERNAZAROVA. "FIGHTING MEASURES THE DISEASE CAUSES A VERY DANGEROUS FUNGAL SPECIES WIDESPREAD IN TASHKENT REGION." *International Journal of Botany and Research (IJBR)* 6 (2016): 5-12.
5. Misirova, Surayyo. "Technology of growing orchid flowers from seeds." *E3S Web of Conferences*. Vol. 390. EDP Sciences, 2023.
6. MISIROVA, SA. "TECHNOLOGY OF CULTIVATION AND REPRODUCTION OF ORNAMENTAL AND UNIQUE ORCHID FLOWER IN NAMANGAN CONDITIONS." *World Bulletin of Social Sciences* 17 (2022): 156-164.
7. Urmonovich, Numonov Otabek. "MANGOSTEEN NUTRITIONAL PRICE AND FUNCTIONAL PROPERTIES." *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ* 14.5 (2023): 3-5.
8. Misirova, S. A. "BIOLOGICAL CHARACTERISTICS OF FUNGAL SPECIES THAT CAUSE DISEASES OF ONION FLOWERS AND MEASURES TO COMBAT THEM." (2022).
9. Misirova, S., and M. Haydarova. "Flowers from Nederland are Considered to Develop in the Climatic Conditions of Uzbekistan and Are Identified the types of Fungus." *Annals of the Romanian Society for Cell Biology* (2021): 5922-5929.
10. Misirova, S. A., et al. "Determination types of fungi-pathogens of ornamental flower crops in conditions region Namangan." *ISJ Theoretical & Applied Science*, 10 (66) (2018): 185-189.
11. Misirova, S. A., M. U. Davlatova, and Sh O. Tuhtaboeva. "Biological Characteristics of Fungal Pathogens of Bulb Flowers and Control Measures." *JournalNX*: 207-214.
12. Misirova, S., et al. "Growing Dutch tulips in Namangan region." *Bulletin of Agrarian Science of Uzbekistan* 1 (2021).